

ТУРК ТИЛИДА ҲУРМАТНИНГ ТАСДИҚ ВА ИНКОР СИНОНИМИЯСИ ХУСУСИДА



Холида Камаловна ИМАМОВА

*Тошкент давлат шарқишунослик институти,
туркий тиллар кафедраси*

катта ўқитувчиси

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

imam_muhammad@mail.ru

Аннотация

Мақолада турк тилидаги тасдиқ (*evet* (ҳа) = *olur, peki, tabii, elbette, lütfen, baş üstüne, hayhay*) ва инкорни (*hayır* ‘йўқ’ = *yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm*) ифода этувчи лексемаларнинг синонимик қатори ўрганилган. Антонимли жуфтликдаги лексемаларнинг оппозицияли хусусиятлари очиқ берилган. Тасдиқ лексемаларга нисбатан инкор сўзларнинг синонимик қатори қисқа эканлиги эътиборни тортади.

Калит сўзлар: турк тили, лексема, маъно, тасдиқ, инкор, синонимик қатор.

О СИНОНИМИИ ВЕЖЛИВОГО УТВЕРЖДЕНИЯ И ОТРИЦАНИЯ В ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

Холида Камаловна ИМАМОВА

доктор философии (PhD)

старший преподаватель

кафедра турецких языков

Ташкентский государственный институт востоковедения

imam_muhammad@mail.ru

Аннотация

Статья посвящена исследованию вежливого утверждения и отрицания в турецком языке. Лексемы, передающие утверждение и отрицание, представлены в виде синонимических рядов, которые в количественном отношении разные: синонимический ряд отрицания более короткий. Лексемы утверждения и отрицания (*evet* “да” = *olur, peki, tabii, elbette, lütfen, baş üstüne, hayhay*), (*hayır* “нет” = *yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm*) имеют различные оттенки значения.

Ключевые слова: турецкий язык, лексема, значение, утверждение, отрицание, синонимический ряд.

ON SYNONYMS CONVEYING POLITE AFFIRMATION AND NEGATION IN THE TURKISH LANGUAGE

Khalida Kamalovna IMAMOVA

Doctor of philosophy (PhD)

Senior lecturer

The Department of Turkic Languages

Tashkent State Institute of Oriental Studies

imam_muhammad@mail.ru

Abstract

The present article considers of the usage the affirmative and negative words from the point of category of politeness in Turkish. These (affirmative: *evet* “ҳа” = *olur, peki, tabii, elbette,*

lütfen, baş üstüne, hayhay, negative *hayır* “*ўйқ*” = *yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm*) words are given in the synonymic lines. The second synonymic line is short. There are different peculiarities in the both lines.

Keywords: Turkish language, lexeme, meaning, affirmative, negative, synonymic line.

Тилшуносликда ҳурмат тушунчаси бевосита инсон омили билан боғлиқ ва у ижтимоий муносабатлар, нутқий фаолият, мулоқот вазияти, миллий маданий қадриятларга уйғун равишда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан турк тилида ҳурмат категориясининг тасдиқ ва инкорни ифодалашда ўзига хос томонларга эга эканлиги кўзга ташланади.

Тасдиқ ва инкор асосан сўроқ гапларнинг жавобида кузатилади (4, 374–375), (13, 290–292). Лекин дарак гапларда ҳам бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар берилади ёки предметда бирор хусусиятнинг мавжудлиги тўғрисида тасдиқ ва инкор ифодаланади (12, 99). Тасдиқ ва инкор туркий тиллар доирасида қиёсий, семантик ва структур жиҳатдан текшириш объекти бўлган. Аммо турк тилида ҳурматнинг тасдиқ ва инкор билдирувчи сўзлар воситасида берилишига эътибор қаратилмаган (5, 52–57), (9), (6, 140), (7, 27–30), (8, 28–31), (15, 49–61), (3, 175–176), (1, 95–98), (14, 350–352). Аммо бу эътиборга лойиқ.

Турк тилида оддий тасдиқ *evet* “*ҳа*” ва инкор *hayır, yok* “*ўйқ*” сўзлари орқали ифода этилади. Мана шу тасдиқ ва инкорни ифода этиш учун мулоқотчи (коммуникант)лар орасидаги муносабат тилда; дарак гапларда, сўроқ гапларда буйруқ ва содда, мураккаб, қўшма гапларда турли шаклда намоён бўлади:

1) морфологик кўрсаткичлар орқали – *-ma/me ёки -siz, süz/sız, suz* ёрдамида;

2) синтактик кўрсаткичлар орқали – *yok, hayır, değil, ne...ne... , evet, var* каби сўзларда. Туркий тиллар ва хусусан, турк тилида тасдиқни билдирувчи махсус кўрсаткичлар мавжуд эмас. Аммо олиб борилган тадқиқотлар натижасида тасдиқ ва инкор маъноларини ифодаловчи равишлар (баъзи манбаларда уларни *edatlar* ‘кўмакчилар’ деб ҳам аташади) (13, 290–292) ва уларнинг синонимик қатори (*evet* “*ҳа*” = *olur, peki, tabii, elbette, lütfen, baş üstüne, hayhay*), (*hayır* “*ўйқ*” = *yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm*) ҳам мавжудлиги ўрганилади.

Кузатишлар яна шуни кўрсатадики, бу синонимик қатор гаплардаги тасдиқ ва инкор маънолари орқали ўрни билан ҳурмат билдиришда ўзига хосликни келтириб чиқаради. Турк тилида тасдиқ ва инкор воситасидаги ҳурмат *evet* “*ҳа*” ва *hayır* “*ўйқ*” сўзларининг ўзида эмас, балки улар билан қўлланивчи унвон сўзлар, ундалмалар, киритма конструкцияларда ёки тасдиқ ва инкорнинг парадигмалари орқали воситали шаклда ифодаланади.

Хурмат категорияси нуқтаи назаридан тасдиқ маъносидаги сўзлар вазифасини гапда асосан равишлар бажаради; *evet* “ха” = *olur, peki, tabii, elbette, lütfen, baş üstüne, hayhay* каби. Хурмат маъносини ифодалашда уларнинг гапда фарқланиш жиҳатлари турлича:

№	Лексемалар	Тасдиқ маъноси	Луғавий маънолари
1	<i>evet</i>	ха	1) <i>тасдиқ сўз</i> ; 2) бўлишли маъносини кучайтиради.
2	<i>olur</i>	бўлади	1) бўлиши мумкин; 2) <i>яхши</i> ; 3) ҳозирги келаси замоннинг учинчи шахс бирлиги.
3	<i>peki</i>	яхши	1) буйруқ ёки гапнинг <i>тасдиқланганлиги</i> , қабул қилинганлиги; 2) эътирозни “жуда яхши, агар шундай экан” маъносида ишлатилади .
4	<i>tabii</i>	табiiй, албатта	1) табиатда мавжуд бўлган; 2) ҳар доимгидагидек, кутилганидек; 3) ҳақиқатга мос бўлган; 4) сохта бўлмаган, ҳақиқий; 5) соф, ҳеч қандай қўшимчасиз; 6) <i>албатта, табiiй равишда</i> .
5	<i>elbette</i>	албатта	1) <i>шубҳасиз</i> .
6	<i>lütfen</i>	лутфан, илтимос, агар мумкин бўлса	1) <i>илтимос қиламан</i> маъноси; 2) иш ёки ҳаракатнинг истамасдан бажарилиши.
7	<i>baş üstüne</i>	жоним билан, бош устига	1) истакни самимият билан амалга оширишдаги <i>мамнуният билан, хўп, майли</i> маъноси.
8	<i>hayhay</i>	бажонидил	1) <i>бажонидил, албатта</i> маъносида.

Жадвалда кўрсатилган сўзлар қатори тасдиқни билдиради. Аммо улардаги тасдиқни ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Биринчи – *оддий тасдиқни* билдирувчи сўзлар: *evet, olur, peki, tabii, elbette*. Иккинчи – *шубҳасиз тасдиқни* билдирувчи сўзлар: *tabii, elbette, baş üstüne, hayhay*. Учинчи – *илтимос орқали тасдиқни* билдирувчи сўз: *lütfen*. Тўртинчи – *мамнуният билан тасдиқни* билдирувчи сўзлар: *baş üstüne, hayhay*. Демак, ушбу сўзлар ички маъносига кўра бир хилдаги тасдиқни ифодаламайди. Ҳар бир сўз ўз ички хусусиятига кўра фарқланади. Келтирилган тасдиқ лексемалари ичида *baş üstüne, hayhay* алоҳида ҳурматни билдириши ва ўта маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Чунки улар *тасдиқ* маъносига *шубҳасиз тасдиқ, мамнуният билан тасдиқни* ҳам қўшиб, ҳурмат ифодалашдаги имконияти кенглигини кўрсатди.

Тасдиқни билдирувчи саккизта *evet, olur, peki, tabii, elbette, lütfen, baş üstüne, hayhay* сўзларни этимологиясига кўра ўрганганимизда бештаси туркча *evet, olur, peki, baş üstüne, hayhay* сўздан ташкил топганлиги, учтаси эса *tabii, elbette, lütfen* араб тилидан ўзлашганлиги аниқланди. Ҳурмат маъносидаги тасдиқни билдирувчи сўзларнинг кўпчилигини туркча сўзлар ташкил этади.

Тузилишига кўра, уларнинг учтаси *evet, tabii, elbette* туб сўз, учтаси *olur > ol+ur, lütfen > lütüf+en, peki > pek+iyi* ясалган сўз, биттаси такрорий *hayhay* сўз, биттаси *baş üstüne* иборадан ташкил топган. Ҳурматни ифодаловчи тасдиқ сўзларнинг асосини туб ва ясалган сўзлар ҳосил қилади.

Тасдиқ маъносидаги синонимик қаторда ўзаро функционал жиҳатдан ҳам фарқ кузатилади. *Evet, olur, peki, tabii, elbette* каби тасдиқ сўзларида *ҳамфикрлик, қўллаб-қувватлаш* орқали *оддий ҳурмат, lütfen* сўзида *истайш, сўраш, илтимос қилиш* маънолари орқали *юқори ҳурмат* билдирилади ва *baş üstüne, hayhay* сўзларидаги тасдиқ маъносида эса *мамнуният билан, бажонидил* тарзида *орттирма ҳурмат* акс этади. Бу кўпроқ бир бош бўлакли гапларда намоён бўлади.

Бир бош бўлакли гапларнинг ичидаги сўз-гаплар бир сўздан иборат бўлиб, мулоқотда сўзловчининг туйғулари ифодаланаётган фикрга модаллик асосида ҳурмат илова қилади. Узоқ йиллик амалий тажрибаларда, оғзаки нутқларда бунга кўп мисолларни учратдик.

– *Çay ister misiniz?*

– *Lütfen* (– Чой истайсизми? – Илтимос (Агар мумкин бўлса (ха)).

Lütfen сўзи бирор кишидан бир нарса сўраганда *истайман, сўрайман, илтимос қиламан* маъноларида қўлланилади (11, 971). Сўз-гапдаги ҳа маъносини сўзловчи ҳурмат асосида *lütfen* сўзи билан илтимосга сингдиради. Бу усул орқали сўзловчи сўз-гаплардаги тасдиқ маъносини *тасдиқлаш ёки қўйиш* ёрдамида эмас, *илтимос қилиб сўрашга* юклайди. Ҳурмат маъноси модаллик асосида шу тарзда юзага чиқади.

Юқоридаги мисолда қатнашаётган *lütfen* сўзи ўрнига *tabii, elbette* тасдиқ сўзини ҳам қўллаш мумкин. Бу тасдиқ сўзлар гуруҳида *ҳамфикрлик, қўллаб-қувватлаш* орқали оддий ҳурмат ифода этилишини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Айтилганлардан фарқли жиҳати, агар мисолдаги сўз-гапда урғу охириги бўғиндаги унлига эмас, биринчи бўғиндаги унлига тушса, оҳанг бутунлай ўзгариб, оддий ҳурмат маъноси *ҳурматсизлик, менсимаслик, наст назар билан қарашга* ўтади. Демак, бу шаклдаги ҳурматда оҳанг маромини тутиш муҳимдир.

Инкор маъносини ифодаловчи сўзларнинг синонимик қатори; *hayir* “йўқ” = *yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm* кабиларни ташкил этади:

№	Лексемалар	Инкор маъноси	Луғавий маънолари
1	<i>hayir</i>	йўқ	1) маъкул бўлмаслик, <i>инкор сўзи</i> ; 2) бўлишсизликни кўчайтиради.
2	<i>yok</i>	йўқ	1) мавжуд бўлмаган нарса, кимса; 2) тақиқ; 3) йўқлик; 4) йўқ; 5) боғловчи вазифаси; 6) гап бошида келади.
3	<i>değil</i>	эмас	1) <i>бўлишсизликни</i> билдиради.
4	<i>ne münasebet</i>	йўқ, нега энди? нимага? Нима сабабдан	1) <i>бундай бўлиши мумкин эмас</i> ; боғлиқлик жойи йўқ.
5	<i>estağfurullah</i>	йўқ; бўлиши мумкин эмас	1) ташаккур билдирилган ёки мактовга лойиқ топилган киши томонидан айтиладиган <i>ҳурмат ва камтарлик сўзи</i> .
6	<i>maalesef</i>	йўқ, афсус билан маълум қиламан; афсуски	1) хафа бўлиб айтаман; <i>афсус билан маълум қиламан</i> .
7	<i>üzgünüm</i>	йўқ, ҳижолатдаман	1) <i>ғамгин, маҳзун</i>

Жадвалда келтирилган сўзлар қатори инкорни ифодалайди. Тасдиқ маъносини англатувчи сўзларда бўлгани каби инкор маъносидаги сўзларнинг ҳам маъноларини ички хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратамиз. Биринчи гуруҳ, *оддий инкорни билдирувчи сўзлар hayir, yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm*. Иккинчи гуруҳга *шубҳа билан инкорни билдирувчи сўзларни ne münasebet, estağfurullah*ни киритамиз. Учинчи гуруҳга эса, *афсус билан ёки хафа бўлиб инкорни билдирувчи maalesef, üzgünüm* сўзларини ажратамиз. Демак, инкорни билдирувчи сўзларнинг ички маъно хусусияти ҳам фарқли бўлиб, бирдек инкорни акс эттирмайди. Ҳар бир сўздаги инкор маъноси ўзига хос мазмун касб этади.

Ҳурмат категорияси нуқтаи назаридан инкорни ифодаловчи энг маҳсулдор сўзлар *ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm* эканлиги аниқланди. Улар инкор маъносига эмоционал-экспрессивлик ва модаллик илова қилади.

Инкор сўзлар этимологиясига кўра учтаси туркча *yok, değil, üzgünüm*, учтаси *hayir, estağfurullah, maalesef* араб тилидан ўзлашган ва биттаси *ne münasebet* туркча+арабча сўзнинг бирикишидан ташкил топган. Инкор маъносини билдирувчи сўзларнинг ярми туркча, ярми арабча бўлганлиги кузатилди. Ҳурматни ифодаловчи инкор маъносидаги туркча сўзлар доминантлик (16, 34) кўрсатмайди.

Тузилишига кўра, инкор сўзлар олтига туб сўз *yok, değil, üzgünüm, hayır, estağfurullah, maalesef* ва битта *ne münasebet* қўшма сўздан ташкил топган. Хурматни билдирувчи инкор сўзларнинг кўпчилиги туб сўзлардан иборат.

Олиб борилган изланишлар хурмат категорияси нуқтаи назаридан тасдиқ гапларга нисбатан инкор гапларнинг камлиги ва инкорни ташкил этувчи сўзларнинг синонимик қаторининг қисқалиги эътиборни тортди. Мулоқот жараёнида эса, коммуникантлар мумкин қадар *hayır, yok* сўзини ифодалашдан ўзларини четга олиши, унинг ўрнига инкор маъносини воситали билдирувчи сўзлардан фойдаланиб ифодалашни кузатилади.

Инкор маъносидаги *hayır* – “йўқ”нинг синонимик қатори ҳам функционал жиҳатдан ўзаро фарқлиликни ҳосил қилади. Улардаги хурматни ҳам учга ажратиш мумкин. Масалан, *hayır, yok, değil* инкор сўзлари ундалмалар, киритма конструкциялар ёрдамида *оддий хурматни* билдирса, *ne münasebet, estağfurullah* сўзидаги инкор “нега? нима учун?” деган мазмун орқали “йўқ” инкор маъносини *юқори хурмат* билан – воситали билдиради. Учинчиси, *maalesef, üzgünüm* сўзлари ёрдамида инкор маъносини *хафа бўлиб айтаман, афсус билан маълум қиламан, афсуски* тарзида ҳамдардлик орқали тингловчига хурматини *бўрттириб* маълум қилади. Бу ҳам худди тасдиқ гапларда бўлгани каби кўпроқ бир бош бўлакли тўлиқсиз гапларда намоён бўлади.

Юқори даражадаги хурматни билдирувчи сўз-гапларни ҳосил қиладиган сўзлар *ne münasebet, estağfurullah*дан иборат. Турк тилининг изоҳли луғатида *ne münasebet* ҳақида *ҳеч алоқаси йўқ, бўлиши мумкин эмас* маъносида ишлатилиши дея қайд этилган (11, 1077).

– Neden bu acele Feride? Adeta benden kaçıyor sun! dedi.

– *Ne münasebet, dedim, botlarım sıkıyor da... Zaten içeriye beraber gidecek değil miyiz* (2, 92).

(– Нима учун шунчалик шошасан Фарида? Гўёки мендан қочаяпсан! – деди. – Нега энди (йўқ), – дедим, ботинкаларим сиқаяпти-да... Барибир ичкарига бирга кирмаймизми?)

Аутентик матндаги *қочаётганим йўқ* инкор маъноси сўзловчига тингловчи томонидан *ne münasebet* ёрдамида *нима сабабдан шундай ўйлайсиз, ҳеч алоқаси йўқ* маъносида юқори хурмат билан етказилади. Хурмат ифодалашда ўзига хослик *estağfurullah* сўзида ҳам шу тарзда юзага келади.

– İşte bunu söylemek güç, dedi. Münevver, bugün sizin düşmanınız vaziyetindedir.

– *Estağfurullah.*

– Öyledir, Feride Hanım. Fakat hiç fena bir insan değildir (2, 106).

(– Буни айтиш жуда қийин, – деди. Мунаввар бугун сизга душман ҳолатида. – Бўлиши мумкин эмас (арзимаиди, йўғ-э). – Шундай Фарида хоним. Аслида, ҳеч ёмон инсон эмас.)

Луғатларда *estağfurullah* миннатдорчиликни ифодалайдиган ёки мақталган киши томонидан камтарлик ва ҳурмат учун айтиладиган сўз (10, 705) деб изоҳланган. Бу луғавий маънода аутентик матнда ифода этилаётган инкор маъноси билан боғлиқлик томони кузатилмайди. Лекин ҳурмат категорияси нуқтаи назардан камтарлик ва эҳтиром маъноси *estağfurullah* сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, функционал вазифасига инкорни илова қилган. Инкордаги ҳурмат маъноси ана шу шаклда майдонга келиб, синонимик қатордан жой олган.

Демак, турк тилида тасдиқ ва инкор маънолари гапларда фақат маълум сўзлар орқали ифодаланмай, бутун бошли синонимик қатордан ташкил топган. Ўрганилган ва юқорида келтирилган аутентик материаллар ҳурмат категорияси нуқтаи назардан инкор ва тасдиқ сўзларнинг синонимик қатори антонимик жуфтлик ҳосил қилиб, оппозиция ҳолатини келтириб чиқарганига эътибор қаратамиз. Оппозиция ҳолатига кўра қуйидаги жадвал келиб чиқади.

№	Тасдиқ маъносидаги лексемалар гуруҳи	Антонимли жуфтликдаги лексемаларнинг оппозицияли хусусиятлари	Инкор маъносидаги лексемалар гуруҳи
1	evet, olur, peki,	оддий тасдиқ × оддий инкор	hayır ,yok ,değil
2	tabii, elbette	шубҳасиз тасдиқ × шубҳали инкор	ne münasebet, estağfurullah
3	baş üstüne, hayhay	мамнуният билан тасдиқлаш × афсус билан инкор қилиш	maalesef, üzgünüm

Жадвалда келтирилган ҳурматни билдирувчи тасдиқ ва инкор лексемалар гуруҳи ички мазмун хусусиятига кўра уч босқичда: биринчи – *оддий тасдиқ × оддий инкор* маъносида; иккинчи – *шубҳасиз тасдиқ × шубҳали инкор* маъносида; учинчи – *мамнуният билан тасдиқ × афсус билан инкор* маъноларида оппозицияли ҳолатга эга эканлиги маълум бўлди.

Ҳурмат категориясига кўра, тасдиқ гапларда ҳам, инкор гапларда ҳам синонимик қатор ҳурматни *оддий*, *юқори* ва *орттирма* даражалардан иборат уч босқичда ифодалайди.

Функционал жиҳатдан тасдиқ ва инкор сўзлар сўз-гап, тўлиқсиз гап шаклида қўлланилиб, асосан равиш ундан кейин от, сифат, ундалма вазифасида ҳурматни турли даражаларда ифодалайди. Мкайян бирлик функционал вазифасига кўра бири бошқасининг ўрнини боса олмайди.

Тасдиқ ва инкорни билдирувчи ҳодисаларнинг тил материалларини ўрганишдан аниқ бўлдики, тасдиқ ва инкор сўзларидаги тасдиқ ва инкор маънолари лексикографик манбаларда қайд этилмаган. Улар тасдиқ ва инкорни функционал жаҳатдан бажаради.

Тасдиқни билдирувчи *evet, olur, peki, tabii, elbette, lütfen, baş üstüne, hayhay* сўзлардан иборат синонимик қатордан фақат *evet* ва *peki*нинг луғавий маъносида *тасдиқ* қайд этилган. Бошқаларида тасдиқ маъноси қайд этилмаган. Тадқиқотнинг асоси бўлган ҳурмат маъноси синонимик қатордаги ҳеч бир сўзда таъкидланмаган. Йиғилган материаллар сўзлардаги ҳурмат маъноси уларнинг функционал вазифасида майдонга келишини кўрсатмоқда.

Инкорни билдирувчи *hayır, yok, değil, ne münasebet, estağfurullah, maalesef, üzgünüm* сўзларидан иборат синонимик қатордан фақат *hayır, yok, değil*нинг луғавий маъносида *инкор* қайд этилган. Бошқаларида инкор маъноси қайд этилмаган. Лексикографик манбаларда уларнинг ҳурмат маъноси ҳам таъкидланмаган. Йиғилган мисоллар тасдиқ сўзларда бўлгани каби инкор сўзлардаги ҳурмат маъноси уларнинг функционал вазифасида юзага келишини кўрсатмоқда.

Турк тилидаги *evet, olur, peki* оддий тасдиқ × оддий инкор *hayır, yok, değil*ни билдирувчи оппозициядаги сўзлар ҳурматни ифодалаганда тасдиқ ва инкор сўзларнинг ундалмалар, киритма конструкциялар, унвон сўзлар билан оддий ҳурматни ифодалашдан ташқари, яна ички хусусиятлари асосида янги маъно қирралари белгиланди. Бу маъно қирраларига кўра, инкор сўз *yok*нинг *ziyanı yok, ehemiyeti yok, zararı yok* шаклида бирикмалар ҳосил қилиб, функционал жиҳатдан шаклда инкор мазмунда тасдиқ *evet* – “ҳа” маъносини ҳосил қилиш хусусияти қайд этилди. Инкор сўз *değil*нинг *оддий инкордан* фарқли равишда *önemli değil, bir şey değil* сингари бирикмалар ҳосил қилиб, юқори ҳурмат кўрсатиш имконияти очилди.

Оппозицияли *tabii, elbette* шубҳасиз тасдиқ × шубҳали инкор *ne münasebet, estağfurullah* тил бирликларидаги ҳурмат маъноси ҳам ўзига хос тарзда ўзгарувчанлиги билан диққатни тортди. Шубҳасиз, тасдиқ лексемалари бўлган *tabii, elbette*да оҳанг тўғри қўлланилмаса, ҳурмат ҳурматсизликка, яъни бутунлай тесқари маънога ўтиб кетиши мумкинлиги ўрганилди. Инкорни ифодаловчи *ne münasebet, estağfurullah* тил бирликларининг луғавий маъносида *инкор* ҳам *ҳурмат* ҳам қайд этилмайди. Улардаги *инкор* ҳам *ҳурмат* маъноси аутентик матндаги функционал вазифадан келиб чиққанлиги белгиланди.

Антонимли жуфтликдаги лексемаларнинг оппозицияли хусусиятларини учинчи гуруҳда акс эттирувчи *baş üstüne, hayhay* мамнуният билан тасдиқлаш

× афсус билан инкор қилиш *maalesef, üzgünüm* лингвистик бирликлари бошқаларига қараганда сермахсуллиги, ички маъно қирралари билан оппозициядаги биринчи ва иккинчи гуруҳдаги лексемаларнинг ўрнини тўлдириши аниқланди. Лексикографик манбаларда ушбу – тасдиқ ва инкор лингвистик бирликларининг *тасдиқ, инкор* ва *ҳурмат* маънолари таъкидланмаган. Бу маънолар йиғилган тил материаллари ёрдамида ўрганилиб, аутентик матндаги функционал вазифа эканлиги белгиланди.

Ҳурматни ифодаловчи тасдиқ лексик бирликларнинг синонимик қаторидан ўрин олган *lütfen* сўзининг луғавий маъносида *тасдиқ, ҳурмат* акс этмаса-да, функционал вазифада кўзга ташланади. Турк тилида унга нисбатан оппозиция ҳосил қилувчи инкор тил бирлиги топилмади.

Бундан ташқари, тасдиқ ва инкорнинг синонимик қатордан ўрин олмаган, луғатларда тасдиқ ёки инкор маъноси қайд этилмаган *efendim, buyurun, emir sizin, memnuniyetle, memnun olurum, fena olmaz* × *rica ederim, bana artık müsaade, bırakınız* каби тил бирликлари функционал хусусияти билан ўзига хос ҳурматни тасдиқ ва инкорда намоён этиши ўрганилди.

Турк тилида тасдиқ ва инкор маънолари орқали ҳурмат ифодаланишида инкорга нисбатан тасдиқ сўзларнинг сони ва имконияти сезиларли даражада кенг деган хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Göker O. Uygulamalı Türkçe Bilgileri III. – İstanbul: M.E.B. Basımevi, 1997. – 230 s.
2. Güntekin R. N. Çalıkuşu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi, 1992. – 408 s.
3. Джевдет-заде Х., Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого языка. – Ленинград, 1934. – 267 с.
4. Ediskun H. Türk Dilbilgisi. – İstanbul: Remzi Kitabevi, 1999. – 407 s.
5. Нурмаханова А.Н. Тасдиқни билдирувчи дарак гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – №2. – Б. 52–57.
6. Лутфуллаева Д.Э. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиклик: Филол.фан.ном....дис. – Тошкент, 1997. – 140 б.
7. Мўминов К. Инкор категориясининг айрим стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. – №4, 27–30 б.
8. Нурманов А. Тасдиқ ва инкор конструкцияларининг сигнифатив оппозициялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №6, 28–31 б.
9. Рустамов Т. Ҳозирги замон ўзбек тили гап бўлақларида инкорнинг ишлатилиши. Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси. – Тошкент, 1959.
10. Türkçe Sözlük 1. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basım Evi, 1988. A–J; – S. 745
11. Türkçe Sözlük 2. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basım Evi, 1988. K–Z. – S, 1679
12. Ўзбек тили грамматикаси II. – Тошкент: Фан, 1976. – 560 б.
13. Nacieminoğlu N. Türk Dilinde Edatlar. – İstanbul: Milli Eğitim Bakanlığı Basımevi. 1984. – S. 508
14. Hengirmen M. Türkçe Dilbilgisi. – Ankara: Engin Yayınevi. 1995. – S. 619
15. Худойберганаева З. Инкор ва тасдиқ гапларда шаклий муносабат. Ўзбек ва турк тилларида содда гапнинг структур-функционал хусусиятлари II. – Тошкент: Фан, 2004. – 121 б.
16. Ҳожиева А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Ўқитувчи, Тошкент, 1985. – 144 б.